O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV. №

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA

O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

2010-yil Sentabr

| Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa | Ju | Sh | Ya | Du | Se | Ch | Pa |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • №39 (3880)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!
Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади – бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат – Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабиҳ ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз ҳудудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига муҳтож.

Бироқ 11–14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тарожлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## Репортаж

# ҚАЛБДА ҒУРУР, ИФТИХОР БИЛАН...



**«Ўзбекистон Республикаси фуқароси». Бу сўз замирида қанчадан-қанча маъно, мазмун ва фахр мужассам. Шу уч жумлагина сўз ўз эгасининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини таъминлаб туриши билан янада кўпроқ жозибага эга.**

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ёшлар, уларнинг ота-оналари билан гавжум. Барчанинг юзу кўзида шодлик, ҳаяжон. Муаззам майдоннинг гўзал табиати, фаввораларнинг биллур томчисида рақс тушаётган қуёшнинг заррин нурлари, тиниқ осмон ҳам гўёки уларнинг қувончига шерикдек туюлади. Чунки бу қувончли лаҳзаларда Юнусобод даҳасида истиқомат қилувчи 16 ёшга тўлган 50 нафар ёшларга илк бор фуқаролик паспортлари топширилмоқда.

Юзу кўзи қувончдан ял-ял ёниб, атрофидагиларга нималарнидир сўзлаб турган онахонга яқинлашдик:

– Набирам Юлдузхонга фуқаролик паспорти бериляпти, –дейди у киши ўзини Муҳайё Эгамбердиева деб таништиргач. – Биз ёш бўлган пайтлар бундай тантаналар йўқ эди. Мустақиллик нафақат мамлакат ҳаётида, балки фуқаролар онгида ҳам чуқур ўзгаришлар ясади. Буни биргина набирам мисолида айтадиган бўлсам, у ўз олдига қўйган мақсади сари дадил интилаяпти. У ўз келажагига ишонган ҳолда аниқ ҳаракат қилаётгани жуда қувонтиради. Минг шукрки, шундай дориламон, тинч кунларда фарзандларим келажагини кўриб, кексалик гаштини суряпман.

– Машинасозлик коллежининг тикувчилик йўналишида ўқийман. Келажакда дизайнер бўлиб миллий матоларимиздан янгича, замонавий бичимда либослар тикишни истайман, – дейди суҳбатга қўшилган Юлдузхон Раҳматова. – Фуқаролик паспорти зиммамга катта масъулият юклайди, Ўзбекистон фуқароси деган номга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан.

Соат 10.00. Тошкент шаҳар ИИББ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, подполковник Шуҳрат Хўжаев тадбирни очиқ деб эълон қилди. 16 ёшга тўлган, қўлига илк бор фуқаролик паспортларини олаётган ёшларни чин дилдан қутлаб шундай деди: «Бугун ҳар бир ёш ўзи истаган мутахассислик бўйича жаҳон андозаларига мос равишда таълим олиши мумкин. Ўз иқтидори, илмий салоҳияти, эпчиллиги чаққонлиги билан жаҳон ҳамжамиятини лол қолдираётган минглаб, миллионлаб ўзбек фарзандлари бизнинг фахримиз, ғуруримиз. Истайманки, шу ерда ҳозир бўлган ёшлар ҳам ана шундай ютуқларга эришсинлар, давлатимиз байроғини янада баланд кўтарсинлар. Зеро, сизлар учун улкан имкониятлар яратилган».

Юнусобод тумани ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиғи, майор Ботир Саидов ҳам сўзга чиқиб, ёшларни бугунги тантана билан табриклади. Бундай эътибор, ғамхўрликка жавобан юртни чин дилдан севиш лозимлигини, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, аждодларга муносиб авлод бўлишни таъкидлади.

Шундан сўнг ёшларга фуқаролик паспортларини топшириш маросими бошланди.

– Бугун мен 16 ёшга тўлдим, – дейди юзлари қувончдан порлаб турган Назира Жалолхўжаева, – бу кун қўшалоқ байрам сифатида бир умр ёдимда қолади. Ҳозир пойтахтимиздаги 2-республика тиббиёт коллежида ўқияпман. Келажакда малакали мутахассис бўлиб ўз соҳам бўйича беморлар дардига малҳам бўлишни истайман.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикасининг*
*ҚОНУНИ*

## Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 22 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар) қуйидаги мазмундаги **250[1]-модда** билан тўлдирилсин:

(Давоми 2-бетда).

## Қарор ва ижро

# ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

**Кечиримлилик ва бағрикенглик халқимизга хос бўлган эзгу фазилатлардан ҳисобланади. Азал-азалдан бирор ножўя ишга қўл уриб, жазосини олган, кейинчалик пушаймон бўлган кишиларнинг айби кечирилиб, уларга мадад, ёрдам кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.**



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасида мазкур қарор ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ ҲООБларининг масъул ходимлари ҳамда ИИВ жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова, Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шодиев, республика Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ. Ҳалимовлар Президентимиз тақдимномасига биноан қабул қилинган ушбу Қарорда инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойиллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи М. Мирсолиҳовнинг «Амнистия тўғрисидаги қарорнинг ижросини таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари», республика Олий суд судьяси Н. Агбаровнинг «Судлар томонидан амнистия актини қўлланилиши юзасидан келиб чиқадиган айрим муаммоларни ҳал қилиниши», ИИВ ЖИЭББ бўлим бошлиғи, капитан Л. Аҳмедованинг «Жазони ижро этиш тизими муассасаларида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар» ҳамда ИИВ ҲООББ бошлиғи ўринбосари, подполковник F. Эшонқулов «Амнистия тўғрисидаги қарорга асосан жазодан озод бўлган шахсларга нисбатан профилактика ишларини ташкиллаштириш» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик тамойиллари амалда ўз ифодасини топаётгани инсон манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Қизиқарли савол-жавоб тарзда ўтган йиғилишда ходимлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди. Шунингдек, йиғилишда Қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар юзасидан батафсил маълумот берилди ҳамда бу борада бажариладиган вазифалар белгилаб олинди.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**
**«Постда» мухбири.**

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.**

## Юксак мукофот соҳиблари



# ХИВАЛИК ҲУШЁР ПОСБОН

**Сергей Ефремов ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган ҳалол, меҳнатсевар инсонлардан бири. У табиатан босиқ, манманликни ёқтирмайди. Вақтини беҳуда ишларга сарф қилишни хуш кўрмайди. Хизматга тааллуқли масалалар устида кўпроқ ишлашни ўз бурчи деб билади. Ҳар қандай одам билан тезда тил топишади ва қўлидан келадиган ёрдамини аямайди. Бу хислатлар раҳматли онаси Зоя Ефремовадан ўтган. Тақдир тақозоси билан у Тўрткўл шаҳридан Хивага келиб қолди. Бу ерда ўзбек қизи Онапошша билан оила қуриб, тўрт фарзанд – икки ўғил, икки қизни вояга етказишди.**

Ўзи истиқомат қилаётган Янгиобод қўрғонидаги Бинокор маҳалласини обод қилишда фаол иштирок этиб, халқ осойишталигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларига яқиндан ёрдамлашди. Шу боис уни «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори этиб тайинлашди. Фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Жабборов, профилактика инспектори, майор Рўзмат Қодировлар билан жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда фаол иштирок этиб, кўплаб ҳуқуқбузарликларга барҳам беришга эришишди.

Мана, уч йилдирки, Сергей «Гулирайхон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига раҳбарлик қилмоқда. Ҳудудда тезкор вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспектори ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда сидқидилдан фаолият кўрсатаяпти. Таҳлилларга таянадиган бўлсак, ўтган даврда жиноятлар бир неча фоизга камайишига эришилди. Шуниси қувонарлики, ҳудудда вояга етмаган ёшлар томонидан бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Бунда профилактика инспектори, катта лейтенант Дилшод Отажонов, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, капитан Саноат Янгибоев ҳамда Сергей Ефремов ва фаолларнинг хизмати катта.

– Юрт тинчлигини таъминлашдек шарафли ишга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман, – дейди Сергей ака. Бу жойдагилар энг яқин қадрдонларим бўлиб қолишган. Уларни кўрмасдан, маслаҳатлашмасдан туролмайман. Бу инсонлар маҳаллани обод қилишда, юрт осойишталигини таъминлашда яқин ёрдамчиларимиз, кўмакчиларимиздир. Улар билан ўтказаётган ҳар бир тадбиримиз ижобий самара бераяпти. Маҳалламиз тинч ва осойишта, обод масканга айланмоқда.

Сергей ака жуда камтарин инсон. У ўзи ҳақида гапиришни ёқтирмайди. Шу боис, «Гулирайхон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Нуруллаевдан унинг спортда эришган ютуқлари ҳақида билиб олдик: мотоспорт бўйича бир неча карра Ўзбекистон чемпиони, спорт усталигига номзоди талабини бажарган. Бир неча йил мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида мотоспорт бўйича ёшларга сабоқ берган. Шунингдек, бу тиниб-тинчимас инсон ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, паспорт тизими қоидаларига риоя қилиниши, ёшларнинг диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг ҳаёти ва турмуш тарзини назорат қилишда ҳам ҳамиша бош-қош.

– Маҳалла сардори ҳақида жуда кўп яхши гапларни айтишимиз мумкин, – дейди туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Қудрат Саидов. – У хушмуомала инсон. Ҳеч кимдан ёрдамини аямайди. Қолаверса, маҳалла осойишталиги учун хизматлари бениҳоя катта. Тунги навбатчилик гуруҳлари фаолиятини доимий назорат этиб, маҳалла тинчлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Унинг хайрли ташаббусларидан бири ёшларни спортга жалб этишидир. Айни кунда 130 нафардан зиёд ўғил-қизлар гимнастика, стол тенниси, шахмат-шашка, футбол, волейбол, кураш каби ўнга яқин спорт тўгаракларида мунтазам шуғулланишмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра, «Намунали милиция таянч пункти» республика конкурс-кўргазмасида у фаолият кўрсатаётган 71-милиция таянч пункти ғолиб деб топилди ва «Матиз» русумли хизмат автомашинаси билан тақдирланди. Қўлга киритилган бу ютуқда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Сергей Ефремовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Яқинда унинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Мустақилликнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Президентимизнинг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

**Мирзабой АБДУЛЛАЕВ,**
**майор.**
**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**

***Суратда:*** *«Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори, «Шуҳрат» медали соҳиби Сергей Ефремов.*

## Хотира уйғонса гўзалдир

**Тошкент шаҳар ИИББ ҳудудида ўрнатилган хотира лавҳасида ушбу идорага турли йилларда раҳбарлик қилган шахсларнинг исмлари битилган. Улар орасида Искандар Қаландаровнинг ҳам номи бор. И. Қаландаров Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасига 1955-1959 йилларда раҳбарлик қилган эди.**

# ВАТАННИНГ ФИДОЙИ ЎҒЛОНИ ЭДИ

... Урушдан кейинги эллигинчи йиллар. Оғир давр эди. Иқтисодиётни изга солиш, вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш машаққатлари ҳақида узоқ ёзиш мумкин. Ўша кезлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларига ҳам осон бўлмаган.

– Болалигим уруш йилларига тўғри келган. Лекин ўша даврни яхши хотирлайман. Очлик, юпунлик ҳамон эсимда. Урушдан кейинги йиллар жиноятчилик: ўғрилик, босқинчилик, талончилик авж олган. Тўғри, кўпчилик ҳалол меҳнат билан банд эди. Лекин пайтдан фойдаланиб ўзгалар мол-мулки ҳисобидан бойишни истовчилар ҳам учраб турарди. Олибсотарлар, сохта ҳужжат, қалбаки пул ясовчи кимсаларни ҳам шу гуруҳга киритиш мумкин эди. Аксар жиноятчилар қуролланган бўлиб, уларга қарши курашаётган осойишталик посбонлари ўз ҳаётларини хавф остида қолдиришарди, – дея ҳикоя қилади у кишининг ўғли Самандар Қаландаров. – Бир куни Тошкент шаҳрининг ҳозирги Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида босқинчилар гуруҳи ва тезкор ходимлар ўртасида отишма юз берди. Ушбу гуруҳ аъзолари ўнлаб оғир жиноятлар содир этишган бўлиб, анчадан буён қидирилаётган эди.




Воқеа жойига отам ҳам етиб борганлар. Босқинчилар айбсиз фуқароларнинг уйига жойлашиб олишган экан. Қўни-қўшниларнинг уйлари ҳам шундоқ ёндош жойлашган эди. Отам бегуноҳ одамлар қурбон бўлишининг олдини олиш учун босқинчилар билан мунозара олиб боришга ҳаракат қилганлар. Аммо жиноятчилар таслим бўлишни истамаган. Чунки қилмишларига яраша оғир жазо олишларини яхши билишарди-да. Отишма пайтида дайди ўқлардан бири отамнинг шинелини тешиб ўтади. Аммо яхшиямки, ўзларига жароҳат етказмайди. Бу воқеани мен улғайганимда у кишининг ҳамкасбларидан бири ҳикоя қилиб бериб: «Мард, жасур отанг билан ҳар қанча фахрлансанг арзийди», деганди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов ёрдамида И. Қаландаровнинг ҳамкасби Ҳ. Жўраев билан танишиб, қаҳрамонимиз ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

– Искандар ака моҳир ташкилотчи, иқтидорли раҳбар эдилар. У киши қўл остиларидаги ходимларга ҳеч қачон овозларини кўтариб гапирмасдилар. Қўпол муомала қилганларини-ку умуман эшитмаганман. Ҳужжатлар билан жуда батартиб, ўта ҳушёрлик билан ишлардилар. Бир куни текширув чоғида сўраган ҳужжатларини узоқ қидирганимда «Паришонхотир экансиз-ку», дея танбеҳ берган эдилар. Шу-шу барча ҳужжатларни батартиб сақлайдиган бўлдим.

Қийин, мураккаб вазиятларда қўл остидаги ходимларни руҳлантира олардилар. Ҳазил-мутойибага ҳам уста эдилар. Ҳар бир ходимнинг феъл-атворини, қобилиятию имкониятини яхши билардилар, шунга қараб топшириқ берардилар, – дея ҳикоя қилади Ҳатиф Жўраев.

– Отам адабиёт ва санъатни жуда севардилар, кўп мутолаа қилардилар, – дейди Клара Искандаровна. – Дўстлари орасида ижодий касб эгалари – шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, журналистлар анчагина эди. Эшигимиз меҳмонлар учун ҳамиша очиқ буларди.

Истеъфодаги генерал-майор Ғофуржон Раҳимов Искандар Қаландаров билан бирга ишлаган кезларини эслаб:

– ИИВ олий мактабини эндигина битириб келган ёш офицерлар ёки хизмат сафарига келган ходимлар турар жой масаласида қийналиб қолишса, Искандар ака уларга ўз хонадонларидан жой берарди, нон-тузини дариғ тутмасди, – дейди.

Афсуски, унинг тузини еб, тузлуғига тупурганлар, бу бағрикенг, меҳмондўст инсонга туҳмат тошини отганлар ҳам бўлган. Шундай пайтлари сабр-бардоши, ирода кучи унга қўл келган. Искандар Қаландаров камбағал оилада вояга етган. Баъзан бир парча нонга зориққан пайтлари ҳам бўлган. Ҳатто моддий қийинчилик туфайли таҳсилни давом эттира олмаган. Фақат 1953 йилга келиб юридик институтни сиртдан тугаллашга муваффақ бўлган. Шунинг учун ҳам моддий жиҳатдан қийналганларнинг аҳволини яхши тушунар, уларни имкон қадар қўллаб-қувватларди. Шу боисдан элу юртда катта обрў-эътибор қозонганди.

Қаҳрамонимиз ҳаёт бўлганда шу кунларда ўзининг 100 ёшлигини қаршилаган бўлар эди. Бугун унинг ёрқин хотирасини фарзандлари, қариндошлар, дўсту биродарлари муносиб нишонлашмоқда. Зеро, яхши инсон эл хотирасида ҳамиша тирик. Искандар Қаландаров турмуш ўртоғи билан бирга олти фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг барчаси эл корига яраб, ота-онасига раҳмат келтиришди. Бу ажойиб инсон ва унинг оила аъзолари ҳақида яна узоқ гапириш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз танлаган соҳаларида оила бошлиғи – Ватан посбони Искандар Қаландаровга муносиб равишда фаолият кўрсатишяпти.

**Ирина САЙФУТДИНОВА.**

*Сурат И. Қаландаровнинг оилавий архивидан олинди.*

# ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ

**Истиқлолнинг 19 йиллик шодиёналари Бухоро туманидаги Новметан қишлоғида яшовчи Файзиевлар хонадони учун қўшалоқ байрамга айланди. Вилоят ИИБ бошқармаси ППХ отряд командирининг ўринбосари, капитан Ҳусейнжон Файзиев кутлуғ байрам арафасида "Жасорат" медали билан тақдирланди. Лутфия опа Жумаева газетада чоп этилган тақдирланганлар орасида ўғли Ҳусейнжонни кўриб, кўзлари беихтиёр ёшланди. Бу кунларни кўриш марҳум турмуш ўртоғи Чори Файзиевга насиб этмаганига ачинди.**

Бухоро автомобиль йўллари ўрта махсус таълим муассасаси ўқитувчиси, захирадаги офицер Чори Файзиев уч нафар ўғлидан ҳеч бўлмаса биттаси ҳуқуқ посбони бўлишини ният қилганди. Орзусини эгизакларининг кенжасида кўргандек эди. Ҳусейнжон болаликдан зеҳнли, эпчил, тиришқоқлиги билан отаси меҳрини қозонди. Спортга ишқибозлиги, қўл жангги, югуриш, кураш мусобақаларида юқори натижаларга эришаётгани Чори акани қувонтирарди.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, ички ишлар тизимида хизмат қилиш учун бўлган танлов жуда асқотди: ундан юқори натижалар билан ўтган Ҳ. Файзиев Бухоро шаҳридаги бошланғич ўқув марказида уч ойлик машғулотлардан сўнг вилоят ИИБнинг жанговар ҳаракатдаги отрядига гуруҳ командири лавозимига тайинланди. Устозлари батальон командири, подполковник Садриддин Аслонов (ҳозир нафақада), взвод командири, катта сержант Бахтиёр Букаев кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, улар тажрибасини пухта ўзлаштирди. Фарғона вилоятида бўлган воқеаларга, Сурхондарёдаги террорчилик хуружларни бартараф қилишда фидойилик намуналарини кўрсатди. Хоразмда жанговар отряд ходимлари учун ташкил этилган тўрт ойлик махсус курслар машғулотларидаги иштироки унинг жанговар тайёргарлигини оширишда катта ёрдам берди.

Тизимда ислоҳотлар амалга оширилиши муносабати билан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ташкил этилиб, унинг ҳузурида ППХ батальони тузилгач, у 2-отряд командирининг хизмат бўйича ўринбосари этиб тайинланди. Эндиликдаги вазифа кўча-кўйда нафақат жамоат тартибини сақлаш, балки оммавий тадбирлар пайтида хавфсизликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан ҳам иборат. Ҳар томонлама чиниққан, тажриба ва малакага эга Ҳ. Файзиев бу йўналишда ҳам самарали фаолият кўрсата бошлади. Шижоатини, топқирлигини, эпчиллигини амалда намойиш этди.



Бугунги кунда у хизмат қилаётган 2-отряд ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда жамоа тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш, содир бўлганларини «иссиқ изида» фош этишда яхши натижаларга эришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 15 та жиноят шахсан улар иштирокида фош этилди. 11 та шундай ҳолатнинг олди олинди, икки нафар қидирувдаги жиноятчи ушланди.

– Батальонда бошқаларга ибрат бўладиган ходимлар анча, – дейди вилоят ИИБ ППХ батальони командири, подполковник Фахриддин Зокиров. – Улар орасида капитан Ҳусенжон Файзиев алоҳида ажралиб туради. У топширилган ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашади. Ҳамкасбларига ибратли ходим, энг яхши мураббий. Батальонимизнинг биринчи устуни, бу муболаға эмас. Шунинг учун ҳам унинг хизматлари Ватанимизнинг юксак мукофотига муносиб топилди.

**Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,**
**ўз мухбиримиз.**
*Бухоро вилояти.*

**Суратда:** капитан Ҳусейнжон Файзиев хизмат пайтида.

## Баркамол авлод – юрт келажаги

# ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**Эртанги кун эгалари бўлган ёшларимиз комил инсон бўлиб вояга етиши учун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Айниқса, уларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб ўсиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилишига катта эътибор берилмоқда. Негаки, етти мучаси соғ, маънавияти юксак инсонгина чин маънода бахтли бўлиб, элюрт равнақига муносиб ҳисса қўша олади.**



Бу борада республика Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, диний-экстремизм ва бошқа иллатларга қарши қаратилган давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мунтазам равишда «Ўқувчи», «Ўсмир», «Давомат», «Ғамхўрлик» каби профилактик тадбирлар ташкил этилади.

Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан 2010 йилнинг саккиз ойи мобайнида биргина Тошкент шаҳрида 324 нафар ўқувчининг профилактик ҳисобга олингани, 1941 нафар вояга етмаганларнинг эса ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига келтирилгани ташвишли ҳолдир. Шу боис Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган жадвалга мувофиқ, 13-25 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги 169 та умумтаълим мактабларида «Вояга етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлардан ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш» мавзуида учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда республика ИИВ аппарати ходимлари, вазирлик тасарруфидаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Ўқувчилар билан мулоқотлар чоғида нотиқлар таълим тизимида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапиришар экан, ҳаётимизда учраб турган айрим иллатларга ҳам тўхталишди. Масалан, Бектемир туманидаги 289-мактабга Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник Олимжон Исломов, туман ИИБ тергов бўлими бўлинма бошлиғи, майор Улуғбек Юсуповлар ташриф буюришди. Тадбирда сўз олган подполковник О. Исломов ёшликнинг ҳар дақиқасини олтинга қиёслар экан, бу даврда ҳар бир ўғил-қиз билим олиб, ҳунар эгаллаши, ҳар қандай ёт таъсирларга нисбатан муросасиз бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Чилонзор туманидаги 270-мактабда бўлиб ўтган учрашувда маъруза қилган республика ИИВ ХЧК ва ФРБ бўлим бошлиғи ўринбосари, майор Акбархон Юнусходжаев ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва диний экстремизм каби иллатларнинг аянчли оқибатлари хусусида аниқ мисоллар асосида атрофлича мулоҳаза юритди. Шунингдек, нотиқ ёшларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди.

Шунингдек, Ҳамза туманидаги 61-мактабда бўлиб ўтган учрашувда ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ катта тезкор вакили, майор Зокир Абдушукуров, Учтепа туманидаги 116-мактабда ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти катта ўқитувчиси, подполковник Гўзалхон Эргашева, «Бешқайрағоч» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Ҳайдаров, туман ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант Баҳодир Акбаровлар иштирок этиб, келгусида ўқувчи-ёшлар комил инсон бўлиб етишишига тилак билдиришди. Шундан сўнг «Гиёҳвандлик – аср вабоси» деб номланган видеофильм намойиш этилди.

– Бошқа мактаблардаги тадбирлар ҳам мазмунли ўтди, – дейди ИИВ ҲООББ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи, майор Исломиддин Холиқов. – Ўқувчилар билан савол-жавоблар, баҳслар уларнинг ҳаётимизда учраётган айрим ёт таъсирлар, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби иллатларга нисбатан бефарқ эмасликларини кўрсатди. Шу боис бундай учрашувларни тез-тез уюштириб туриш фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Ёшлар – келажагимиз. Уларни ақлан етук, жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялასаккина юрт тараққиёти учун мустаҳкам замин яратилади. Шундай экан, бу хайрли ишга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшсак, нур устига аъло нур бўлади.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**
**«Постда» мухбири.**

**Суратда:** тадбирларнинг биридан лавҳа.

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ**
**олган сурат.**

## Хабар

**Мустақиллик йилларида Деҳқонобод туманида ҳам бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Давлатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этадиган калий заводи бунёд этилмоқда. Темир йўллар қурилиб, автомобиль йўлларининг таъмирланаётганлиги халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилаётир.**

# БИНО ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Туманда қонун устуворлигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёс. Осойишталик посбонларининг намунали хизмат ўташлари, зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажаришлари учун шароит яратишга етарлича эътибор қаратилмоқда.

Яқинда туман ИИБ биноси таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб ёзма ва оғзаки мурожаат билан келувчиларга шароит яратиш мақсадида янги бино фойдаланишга топширилгани бунга мисол бўла олади. Унда фуқаролар учун кутиш, туман ИИБ раҳбарларининг қабул хоналари мавжуд бўлиб, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Фуқароларнинг бу масканда талаб ва истаклари қондирилиб, муаммолари ҳал этилиши билан бирга, улар барча ички ишлар идораларининг «Ишонч телефонлари» ҳақида маълумотга ҳам эга бўладилар.

**Фазилат АБДУРАҲМОНОВА,**
**сафдор.**
*Қашқадарё вилояти.*

Маърифат дарси

# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАРИ




**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор вазифаларидан бири иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини янада такомиллаштириш, мавжуд табиий ресурслардан ва иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, замонавий бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, аҳолининг бандлигини, турмуш даражасини барқарор ва изчил оширишни таъминлаш, маънавий бойликларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодга етказишдан иборат.**



«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ: «Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади», деб белгилаб қўйилган. Яъни, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ юртимиз табиий бойликлари шу она замин халқи фарзандларига тегишли эканлигини ва ундан оқилона фойдаланиш лозимлигини мустаҳкамлаб қўйди.

Жамият олдида моддий бойликлардан фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу бойликларни тежаш ҳамда улардан фойдаланишнинг мувофиқ бўлишини ташкил этиш ҳисобига самарали ишлаб чиқаришни кенг шакллантиришдек муҳим вазифа туради.

Давлатимиз нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун дунёда ҳам ўзининг моддий бойликлари билан ғурурланса арзийди. Ўзбекистон сифатли олтин қазиб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирида туради. Шунингдек, пахта етиштириш (6-ўринда), экспорт қилиш (3-ўринда) бўйича ҳам етакчи ҳисобланади. Шу ўринда юртимизда етиштирилаётган пахта ва толасининг сифати юқори эканлиги, хорижий давлатларнинг эътиборига сазовор бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари, юртимиз дон маҳсулотларини етиштириш бўйича ҳам ҳеч кимга қарам эмас. Масалан, 2009 йилда рекорд ҳажмда, яъни 7,3 млн. тонна сара дон етиштирилгани фикримиз далилидир. Ўзбекистон ҳали қазиб чиқариб улгурилмаган нефть ва газ маҳсулотларига бой ҳудуд ҳисобланади. Юртимизда табиий газ захирасининг умумий ҳажми 2 трлн. мқга баҳоланган. Шулардан энг асосийлари – Шўртан (05, трлн. мқ) газ кони ҳисобланади. Алан, Урга конлари ҳам шулар қаторида. «Газли» қўшимча компрессор станцияси ишга туширилди, шунингдек, «Қўнғирот» компрессор станциясида кунига 35 миллион куб метр газни қуритадиган иншоот барпо этилди. Булар сафига яна кўплаб янги қурилган ва ишга туширилган корхоналарни қўшиш мумкин. Газ ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати юртимизда электроэнергиянинг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, юртимиз бошқа ер ости ва ер усти бойликларига ҳам эга. Хусусан, кўмир конлари (Ангрен-1,9 млрд тонна қўнғир кўмир, уран рудаси захиралари (умумий ҳажми 230 минг тонна уран, энг йириги – Учқудуқ) ҳамда гидроэнергия (Чирчиқ, Оҳангарон, Сурхондарё ва бошқалар) соҳаларида захира ва ишлаб чиқаришларни амалга оширмоқда. Ўтган даврда юртимизнинг шимолий ва жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ, электр энергияси билан таъминлашга юз фоиз эришилди, четга экспорт қилиш ҳажми янада ортди.

Таъкидлаш лозимки, юртимиз олтин, пахта, нефть ва газ маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш билан бир қаторда мевачилик, полиз экинлари, дон ва дон маҳсулотлари, шоли ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бўйича ҳам ички эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаб, хорижга экспорт қилишни ҳам йўлга қўйиб олди.

Мамлакатимизда темир йўллар қурилиши, иқтисодиётимизнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, автомобиль йўлларини кенгайтириш ва замонавий кўринишга олиб келиш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган даврда «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўли линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, хорижлик инвесторларнинг юртимиз моддий бойликларига бўлган қизиқишини Навоий вилоятида ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодаль марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилишидан ҳам кузатсак бўлади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда маънавий омилларга алоҳида эътибор берилмоқда. Таъкидлаш лозимки, маънавият жамиятни янгилайди, кишилар онгида яхшилик, эзгуликни қарор топтиради. Шу ўринда маънавий бойлик ҳақида гапиришдан олдин, маънавиятнинг ўзи нима деган саволга жавоб беришимиз лозим. Президентимиз «...маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир», – деб таъкидлаганлари нечоғли тўғри эканлигини эътироф этиш лозим.

Мустақиллик туфайли аждодларимиз тарихи, бетакрор маданияти акс этиб турувчи осмонўпар бинолар, масжид ва мадрасалар, музейлар, қадимий нодир буюмлар ва улкан тарихий ашёлар ўзбек халқининг ўтмиши қанчалик азалий эканлигини, унинг улуғворлигини кўрсатиб туради.

Уларда сақланаётган ҳар бир нодир қадимий ашё тарихини ва улар орқали бутун ватанимиз тарихини илмий асослаган ҳолда чуқур ўрганиш, уни кенг омма ва саёҳатчиларимиз онгига сингдириш билан бирга бу бебаҳо бойлигимизни кўз қорачиғидай асраб, келажак авлодларга қолдириш муқаддас, шарафли бурчимиз, инсоний вазифамиздир. Зеро, она-Ватаннинг кўҳна ўтмиши, бой тарихидан сўзловчи тилсиз гувоҳлар – осори атиқалар макони, тарихимиз кўзгуси бўлган музейлар ҳамиша эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан юқори қўйиб ишловчи ва яшовчи ватанпарвар кишилар учун, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли ишни давом эттирувчи ёш авлод учун доимо беминнат хизмат қилади.

Миллий қонунчилигимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир қонунлар, хусусан, **«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида», «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида», «Архивлар тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонунлари амал қилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни қайд этиш жоизки, ҳозирги вақтда ЮНЕСКО инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари рўйхатини тузган бўлиб, ушбу рўйхат ташкилотга аъзо бўлган 60 та давлатнинг 90 та дурдонасини ўз ичига олган. Улар орасида Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси: Бойсун туманининг маданий мероси ва Шашмақом мусиқа анъаналари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Наврўз ва «Катта ашула»ни ҳам мазкур рўйхатга киритиш борасида тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Бирон-бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Кейинги пайтларда халқимиз урф-одатларини, уни тадқиқ қилиш, халқимизнинг сўнмас миллий қадриятларини ўрганиш тарихи, буюк аждодларимизга эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш хорижий элларда ҳам ортиб бораётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Она-Ватанимизнинг маънавий бойликлари – жамият маданий-маърифий ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта. У юртнинг миллий бойлиги, улуғворлиги, тарихи, воқеа-ҳодисаларни ўрганиш учун, қолаверса, миллатнинг ўзлигини англаш учун асосий марказ бўлиб ҳисобланади. Уни ўрганиш, асраб-авайлаш – улкан илмий ва ғоявий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

**Санжар АЛЛАБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходими.**

ИИВ таълим муассасаларида

# СЕРЖАНТЛАР ТОБЛАНАДИГАН МАСКАН






**Жисмонан чиниққан, билимли, маданиятли ва танланган мутахассислигини пухта ўзлаштирган ёшлар ҳеч қачон панд бермаган. Ички ишлар вазирлиги тизимларини доимо муносиб кадрлар билан тўлдириш ва такомиллаштириш масаласи олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий талабларидан бирига айланган.**

Шу маънода бундан тўрт йил аввал Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруғига кўра вазирликка бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ташкил этилди. Мазкур истиқболли ва келажаги порлоқ ҳужжатга биноан Самарқанд вилоятида ҳам ана шундай марказ қарор топганди. Ўтган давр унчалик катта сана эмас. Шундай бўлса-да, кадрлар тайёрлаш ва қайта ўқитишдаги аҳвол қандай, деган ҳақли саволнинг туғилиши табиий.

Аввало айтиш жоизки, ушбу марказнинг иш фаолияти республика ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларини, яъни ички ишлар идораларига танлов асосида қабул қилинган сафдорларни бошланғич тайёргарликдан, ИИВ Академияси қошидаги Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини тугатган кичик сержантларни ҳамда касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ходимлари малакасини оширишга ихтисослашган.

Гапнинг рости, ўзгарувчан шахсий таркибни ҳар томонлама чиниқтиришга ихтисослашган мазкур ўқув юртини давр талабларига мослаштириб олиш осон кечмади. Аммо келажакка ишонч-эътиқод ва ИИВнинг яқиндан кўрсатган ёрдами туфайли эндиликда бу жойдаги шарт-шароитлар тўлиқ замонавийлаштирилди. Барча синф хоналари, 150 ўринли янги ва 100 ўринли эски ётоқхоналар, ошхона, маъмурий бино, тиббий-санитария қисми, кутубхона, ювиниш хоналари, спорт майдони, стадион кабилар қайта жиҳозланиб, тингловчилар ихтиёрига топширилди.

Шунингдек, ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида таҳсил олувчиларга компьютер синфхонасидан унумли фойдаланиш учун имкониятлар яратиб берилган. Марказга малака ошириш ҳамда курс тайёргарлигига келган сержант ва сафдорлар, касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ходимлари билан мунтазам равишда ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин ўчириш техникаси, ёнғинни ўчириш усуллари ва ўқ отиш мавзулари бўйича сабоқлар олиб борилади ҳамда тез-тез тест синовлар ўтказиб турилади.

Режали иш асосида кўрилаётган чора-тадбирлар самараси синовларда яққол кўзга ташланмоқда. Таҳсил олувчиларнинг барчаси шурида сиёсий ва маънавий етуклик, жисмонан чиниқиш, ватанпарварлик туйғулари кенг шаклланган.

Бундан ташқари, шахсий таркибнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан ўз вақтида хабардор бўлиши ҳамда ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ахборотлар олиши мақсадида кутубхона фонди кенгайтирилиб, услубий қўлланмалар, Ўзбекистон Республикасининг **«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги** Қонуни, Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Юксак маънавият– енгилмас куч»** номли асари, истиқлол йилларида чоп этилган сиёсий китоблар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириб борилаётир.

Марказ шахсий таркиби ходимларини тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам кейинги даврда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, сафдор ва сержантлар ҳамда катта-кичик офицерлар таркибининг «Ахлоқ-одоб судлари», «Маънавият ва маърифат» хонаси, «Фахрийлар», «Мураббийлик», «Уй-жой ва маиший ҳолат», «Хотин-қизлар ва спорт» каби жамоатчилик асосидаги кенгашларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатаётгани мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Тингловчиларнинг олган назарий билимларини синаш мақсадида ўтказилаётган тадбирлар ҳам ўқув гуруҳлари ўртасида касбий маҳоратни янада мустаҳкамлашга замин ҳозирламоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида шу мақсадга йўналтирилган **«Ўз касбининг устаси», «Энг чаққон ёнғин ўчирувчи», «Намунали сержант», «Балли йигитлар!»** сингари мусобақалар нафақат ғолибларни танлашда, балки бу борада тингловчилар дунёқараши нечоғли эканини аниқлашга ҳам имкон бераяпти.

Эътиборлиси, бу жойда ёшларни ўқитиш билан бир қаторда марказ раҳбарияти ва ўқитувчилари ИИВнинг кўрсатмалари асосида «Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» мавзусида тезкор профилактик тадбири ўтказилишига оид режалар ишлаб чиқилиб, Самарқанд шаҳридаги Иқтисодиёт ва сервис, Кимёгарлар шаҳарчасида жойлашган Саноат коллежлари ўқувчилари ўртасида ҳамда ён-атрофдаги ўндан ортиқ маҳаллаларда «Гиёҳвандлик аср вабоси», «Фарзандингизни эҳтиёт қилинг!», «Соғлом фарзанд – юрт таянчи» каби ўнлаб мавзуларда учрашувлар, профилактик йўналишдаги маърузалар, суҳбатлар ҳам уюштирилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Самарқанд вилоятидаги мазкур марказнинг кадрларни қайта тайёрлаш борасида қисқа даврда қилган ишлари таҳсинга лойиқ. Аммо бу йўлда истиқболли режалар, амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар ҳам бир талай. Насиб этса, улар ҳам бирин-кетин рўёбга чиқиши турган гап.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

**Суратларда:** *марказ ҳаётидан лавҳалар.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

Шукрона

# БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

Мустақиллик буюк неъмат, унинг қадрига етиш, эъзозлаш ва абадийлигини таъминлаш ҳар бир юртдошимиз бурчидир. Зеро, юртимиз истиқлоли ва фаровонлиги, миллатимиз тақдири, келажаги учун жонкуярлик билан ижод қилган ота-боболаримиз бир пайтлар қатағон қурбони бўлгандилар. Атоқли намояндалардан бири Абдулла Авлоний миллатдошларимиз дунёвий билимларни пухта эгаллаган зиёли кишилар бўлишларини орзу қилганди. Шу боис усули жадид мактабини очади. Маърифатпарвар шоир асарларида Ватанга, халққа, миллатга муҳаббат ғояси ўрин эгаллади. Шоир асосий эътиборни тил, таълим-тарбияга қаратар экан, унинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган пурмаъно сўзлари тарбия соҳасида шиорга айланган десак муболаға бўлмайди. Абдулла Авлоний миллатнинг озод, халқнинг фаровон яшаши, ёшларнинг маърифатли бўлиши ва муқаддас ғоялар учун курашга даъват этди.

Шоир Закиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳам миллатимизнинг, ёшларнинг илм олишига ва ўша пайтда ўлкамизга кириб келган телефон, электр энергияси, фан ва техника, театр, бал каби маданият янгиликлари ижодига кучли акс садо бериб, ушбу янгиликларни ижодига татбиқ этган ҳолда замондошларини техник-маданий мўъжизаларни қадрлашга, ўзлаштиришга, ўрганишга, илму ҳунарни такомиллаштиришга чорлади. Маърифатпарвар шоир миллатимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг порлоқ келажагини куйлаб ижод қилди.

Шунингдек, Абдулла Қодирий, Таваллo, Чўлпон, Мунавварқори, Завқий, Фитрат ва Усмон Носир каби ватанпарвар, маърифатпарвар шоирларимизнинг ҳам порлоқ келажагимиз учун қилган буюк ишлари қалбимизда ўз қадрини топган.

Бугунги кунда аждодларимиз орзу қилган юртимиз озодлиги, халқимиз фаровонлиги ва миллат ғурури, ишончи, ёшлар баркамоллиги рўёбга чиқди. Ёшларимиз хоҳ сиёсий, иқтисодий, маънавий ва хоҳ спорт соҳаси бўлсин билим савияси, қобилияти, имкониятлари билан дунёга танилмоқда.

Биз бу кунларнинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидан асраб-авайлашимиз зарур.

**С. ИЛЬЯСОВ,**
**кичик сержант.**

## Ножўя иш - келтирар ташвиш

# ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР ҒАВҒОСИ



**Сайхунобод тумани ҳудудида жойлашган блокпостда хизмат ўтаётган ички ишлар ходимлари одатдагидан анча секин келаётган «Нексия» русумли автомашинани тўхтатиб, текшириб кўрмоқчи бўлдилар. Машина юкхонаси, салонида айтарли оғир нарса йўқ эди. Орқа ўриндиқда сочилиб ётган пуллар ходимларнинг диққатини тортди. Купюралар янги, ҳозиргина босилгану муомалага киритилгандек.**

– Қорамол сотиб олгандик, ана, орқада ҳайдаб келишяпти, шунинг учун секин-аста юриб боряпмиз, – деди машинада ўтирган киши.

– Бели букилмаган пулларни қаердан олдинглар? – савол берди ички ишлар ходими.

– Банкдан кредит олдик, чорвачилик фермаси қурганмиз, – деди тутилиб.

Бу орада бир отлиқ йигит йигирматача қорамолни ҳайдаб келиб қолди. Ички ишлар ходимларининг текширув ўтказаётганини кўриб, ранги ўчиб, тўхтаб қолди. Пайт пойлаб, жуфтакни ростламоқчи бўлган ҳайдовчи ҳам ўзини сездириб қўйди.

– Ҳушёр ходимлар бежиз шубҳаланишмаган эди, – деди Сирдарё вилояти ИИБ тергов бошқармаси бўлинма бошлиғи, подполковник Искандар Эшонқулов. – Машинадаги пуллар холислар иштирокида текшириб кўрилганда сохта эканлиги аниқланди. Экспертлар ҳам буни тасдиқлашди. Бу шахслар Сайхунобод тумани марказидаги мол бозорга бориб, шошиб турибмиз, соғлом, семирадиган қорамол керак, деб мол эгаси билан кўпам тортишмай, айтган баҳосига сотиб олаверган. Бели букилмаган пулларни кўрган соддадил одамлар хурсанд бўлиб, санаб олаверишган. Сохтакорлар тўртта от, ўндан ортиқ қорамолни сотиб олиб, йўлга чиқишган.

Терговда аниқланишича, воқеанинг бошланиши ва ривожи қуйидагича кечган. Чинозлик Ю. Ғолиб бир дўконга кирса компьютерлар сотилаяпти. Сотувчи харидорга принтерни ишлатиш қоидаларини ўргатмоқда. Қараб турса принтердан бир журналнинг муқоваси чиқди, худди аслидек. Миясига ярқ этиб бир фикр келди. Хотини бозорда кийим-кечак сотади. Хорижнинг номи кетган фирма, компанияларининг ёрлиғидан нусха кўчириб, сотилаётган молларга ёпиштириб қўяди. Бу фикрдан хурсанд бўлиб кетди. Кечки пайт ошнаси И. Саид пивохўрликка таклиф қилиб қолди. Гап орасида Ғолиб дўстига фикрини айтди. Қаердан текин даромад чиқаркин, деб юрган Саид хурсанд бўлиб, яна икки ҳисса пиво буюрди ва:

– Ёрлиқ-порлиқ қилиб ўтирасанми, пул босиш керак, пул! – деди.

Бу таклиф Ғолибга мойдек ёқиб тушди. Компьютер ва принтер текинга берилмайди, албатта. Маҳалладаги С. Дамин машинасини сотган, балки у ҳам қўшилар. Иккови Даминнинг уйига борди. Ҳайтовур уйда бир ўзи экан. Очиқойдин гаплашишди.

– Жуда қалтис иш-ку, – деди Дамин бироз ҳадиксираб.

– Маҳалланинг олди йигити бўла туриб шу гапни айтаяпсанми? – деди Саид норози оҳангда.

Бу гапни эшитган Дамин бир қарич ўсгандай бўлди ва оғзининг таноби қочди. Кейин:

– Майли, розиман, сотиб олармиз, аммо уни ишлата билиш керак. Агар йўқ демасанглар коллежда болаларга компьютердан машғулот ўтадиган танишим бор, уни шерик қиламиз. Қоғозни ҳам у топади, – деди.

– Ишонса бўладиганми? – сўради Ғолиб.

– Албатта, ишончли одам.

Шундай қилиб жиноий гуруҳ тузилди. Уларга Ғолибнинг хотини ҳам қўшилди. Чунки ўша куни уйга кеч қайтганида синчиклаб сўраб ҳаммасини билиб олгач, мен ҳам шерик бўлсам ҳиссамиз кўпаяди, деб туриб олди.

Дастлабки натижа ёмон бўлмади. Роса савдо қизиган пайтни пойлаб дўконга борган Дамин билан Саид қалбаки пулларга икки халтани тўлдириб арок, пиво, егуликлар олиб келишди. Биринчи «ғалаба»ни нишонлаб бўлгач, яна маслаҳат қилишди.

– Энди бу ерда савдо қилмаймиз. Яхшиси Сирдарёга ўтамиз, – деди Дамин.

– Қорамол сотиб олиш керак, бозорда ҳеч ким пулни текшириб ўтирмайди, – деди Ғолиб.

Бу гап ҳаммага маъқул тушди. Эртасигаёқ «қалбаки пул босиш» операцияси амалга оширилди. Бир неча миллион сўм пул тайёр бўлгач, уч киши «Нексия»ни ижарага олиб, Сайхунободга йўл олди...

– Жиноий гуруҳ томонидан тайёрланган қалбаки пулларни ажратиш қийин эмас, лекин кўпчилик бунга эътибор бермаган, – дейди подполковник И. Эшонқулов. – Йирик суммадаги купюраларни кўрган қорамол эгалари пулнинг янги эканлигини кўриб, севиниб кетишган.

Ножўя иш – келтирар ташвиш, деб бежиз айтишмайди. Аввалига қалбаки пул ясаб, бой-бадавлат бўлиш иштиёқида юрганлар қўлга тушишгач, попуклари пасайиб, пешоналарига муштлашдан бошқа иложлари қолмади. Жиноий гуруҳнинг қилмишини фош этиб, қўлга олиш ва айбини исботлашда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, лейтенант А. Муллажонов, Сайхунобод тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, катта лейтенант Ш. Қурбонов, вилоят ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, капитан А. Аҳмедов, вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, капитан С. Маматовлар фидойилик кўрсатишди.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

## Ҳукм ўқилди

# «МАТИЗ»ДАГИ ҚОТИЛЛАР

Ёшлик – инсон умрининг энг гўзал фасли. Бу даврда ҳамма ҳам эзгу орзулар оғушида бўлади. Негаки, умрнинг бу паллaсида билакда куч-қувват, юракда шижоат жўш уради. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмагандек, ёшларимиз орасида ҳам эгри йўлни танлаганлар учраётгани дилни ранжитади.

Норқул Шарипов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва Ортиқ Саломов Бухородаги институтлардан бирининг талабалари. Улар инсон саломатлигини сақлашни ихтиёр этиб, тиббиёт соҳасини танлашган. Одатда бу касб эгалари бировга ёмонлик қилишни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Аммо талаба йигитларнинг онгидаги ноқисликми ёки ҳуқуқий саводсизлик оқибатими, жиноятга қўл уришди. Арзимаган пул учун бир инсон ҳаётига зомин бўлишди. Чунончи, Норқул Шарипов ва Ортиқ Саломов такси ҳайдовчисини ўлдириб, мол-мулкига эга бўлиш учун резина шланг, аёллар калготкаси ва қўлқоп билан қуролланишди.

Ҳамтовоқлар кеч соат 23.00 ларда Бухоро шаҳрининг Б. Нақшбанд кўчасида пайдо бўлишди. Норқул С. Файзиев бошқариб келаётган «Матиз» русумли автомашинани тўхтатди. У ҳайдовчи билан Бухоро тумани Шейхон қишлоғига 5500 сўм эвазига олиб бориб қўйишга келишди ва С. Файзиевга тўсатдан ҳужум қилиш мақсадида ўзи машинанинг орқа ўриндиғига, шериги О. Саломов эса олди томонга ўтирди. Моҳи-Хосса қўрғони томон ҳаракатланиб бораётган автомашинани Шейхон қишлоғига кириш йўлидаги икки қаватли уйлар оралиғидаги йўл бўйида тўхтатишни илтимос қилишди.

– Укажон, шу ерда бироз кутайлик. Жўрамиз ҳозир келиб қолади. У ҳам биз билан бирга бормоқчи эди.

Машина тўхташи билан Норқул Шарипов резина шлангни ҳайдовчининг бўйнига ташлаб, бўға бошлади. Ортиқ эса унинг юзига тўхтовсиз бир неча марта зарба берди. Сўнг икковлон ҳайдовчининг оёқ-қўлларини боғлаб, автомашина юкхонасига жойлашди.

Шундан сўнг машинани навбатма-навбат Ромитан тумани Қоракўлиён қишлоғи ҳудудига бошқариб келишди. Жасадни йўл бўйидаги ариқ ичида қолдириб, С. Файзиевга тегишли «Nokia – 1112» русуми уяли телефон ва бошқа нарсаларни олиб, ҳодиса жойидан яширинишди.

– Салимбек тўнғич фарзандим эди. Вақтинча ишламай, ўз машинасида киракашлик қилаётганди. Ўша куни кеч қолгани учун тунда бир неча марта уяли телефонига сим қоқдим. Аммо хизмат доирасидан ташқари бўлавергач, эртасига профилактика инспекторига хабар бердим. У доим уй-рўзғор ишларига кўмаклашарди. Бегуноҳ фарзандимнинг ҳаётига зомин бўлган қотилларга қонун бўйича жазо берилишини сўрайман, – деди жабрланувчи Т. Файзиева кўзларида аламли ёш билан.

Ҳукм ўқилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан судланувчи Норқул Шарипов ва Ортиқ Саломовлар қилмишларига яраша узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Инсон умрига зомин бўлган ҳамтовоқлар адолат юзасидан жазога тортилди. Шу ўринда бир мулоҳаза. Бундай машъум жиноятларнинг илдизи қаерга бориб тақалади? Эътибор қилган бўлсангиз, жабрланувчи ҳам, жиноятчилар ҳам ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар. Улар бир-бирини суяши, меҳр кўрсатиши лозим бўлган бир юрт, бир миллат фарзандлари. Боз устига, инсон нажоткори – шифокор бўлиш ниятида эдилар. Нега улар инсонийлик чегарасидан чиқиб қолишган?! Айрим жиноят қилишга мойил ёшларимиз ана шулар ҳақида ўйлаб кўриб, ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Шуҳрат КАМОЛОВ.**
*Бухоро вилояти.*



**Расмлар муаллифи Муроджон УНГАРОВ.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# МОЛХОНАДАГИ МИНЕРАЛ ЎҒИТ



**Маълумки, республикамизда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш учун барча шароитлар яратилган. Аммо шунга қарамай айрим нопок шахслар минерал ўғитларни талон-торож қилиш, хонадонларда ноқонуний сақлашга уринмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик.**

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар давомида Янгибозор туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Я. Турсунбой уйида 300 килограмм, Шовот туманида яшовчи Ҳ. Қодирберган гаражида 40 қоп, С. Бекпошша молхонасида 15 қоп, Ж. Бахтиёр 40 қоп, Қ. Руслан уйида 20 қоп аммиакли селитрани ноқонуний сақлаб қўйгани аниқланди. Жами 148 қоп, умумий нархи 2,2 миллион сўмлик минерал ўғит ҳужжатлаштирилиб, мусодара қилинди.

Шунингдек, «Гурлан-Манғит» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган, Ў. Комилжонга тегишли «Дамас» русумли автомашина тўхтатиб текширилганда бир тоннадан ортиқ аммиакли селитра тегишли ҳужжатсиз олиб кетилаётгани маълум бўлди. Суриштирувларда ушбу юкни гурланлик Ж. Баҳром Қорақалпоғистон Республикаси Манғит шаҳрида яшовчи Шокир исмли танишига етказиб бермоқчи эканлиги ойдинлашди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан дастлабки терговолди ҳаракатлари олиб борилаяпти. Қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтсалар керак-да.

**Мирза АБДУЛЛАЕВ.**
*Хоразм вилояти.*

## Иқтисодиётимиз кушандалари

# ДОРИФУРУШ ҚИЗЛАР ҚЎЛГА ТУШИШДИ

Наманган вилояти ИИБ ходимлари томонидан таркибида психотроп модда бўлган дориларни ноқонуний равишда сотиш, тарқатиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш мақсадида махсус тадбир ўтказилди.

«Чорсу» ҳудудидаги норасмий дори бозорида Наманган шаҳрилик К. Нафиса ва Н. Азиза ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди. Улар таркибида психотроп модда бўлган «Феназепам» хапдорисини сотаётган пайтда қўлга олинди. Холислар иштирокида Азизанинг сумкаси кўздан кечирилганда тақиқланган, сотиш учун мўлжалланган «Трифтазин»,«Амитриптилин», «Галоперидол», «Циклодол» хапдорилари ва 5 та «Сибазон» ампуласи топилди.



Икки аёл истеъмолчиларнинг ҳаёти хавфсизлигига жавоб бермайдиган дори-дармонларни қонунга хилоф равишда сақлагани ва кўп миқдорда психотроп моддаларни ғайриқонуний сотишга урингонлиги тергов давомида тўлалигича ўз исботини топди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра айбдор деб топилиб, жазога тортилди.

Ҳаётда ҳамма нарсага ҳалоллик билан эришиш лозим. Давлатимиз тадбиркорлик борасида барча имкониятларни яратиб бераяпти. Шундай экан бу имкониятдан эзгу мақсадда фойдаланиш ўрнига ўз нафси ва шахсий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган нопок шахсларга қарши курашиш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлида ички ишлар ходимлари қатъият билан иш олиб бораверадилар.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*

## Диққат, фирибгар!

Кейинги пайтда фирибгарлардан огоҳ бўлиш, уларнинг макр-ҳийласига алданиб қолмаслик ҳақида кўп гапирилаяпти, ёзилаяпти. Шунга қарамай бу жиноят иштирокчисига айланаётган фуқароларимиз ҳамон учрамоқда. Ҳайрон қоласан киши айрим одамлар кўра-била туриб қўлидаги буюмлари, мол-мулкини уларга суриштирмасдан осонгина бериб қўйишади.

# «УЧАР» МОТОЦИКЛЧИ



Элшодбек Ботиров ёш бўлса-да, бир эмас, бир неча кишини алдаб, чув тушириб юрганлар тоифасидан. У асли Қамаши туманида туғилган. Аммо Тошкент шаҳар Юнусобод туманида истиқомат қилиб келган. Ўтган йилнинг баҳор ойларида у туғилиб ўсган гўшасига саёҳатга отланади. Бирор ишни қойиллатиб дўндирмаган Элшодбек уйда бекор ётиб зерикади. Нималар қилиш кераклиги ҳақида бош қотира бошлайди. Негаки, ҳалол меҳнатга бўйин эгмагандан сўнг, қандайдир йўл билан пул топиши керак-да.

Ишёқмас биринчи саргузаштини Шаҳрисабз туманида истиқомат қилувчи таниши Темир Муҳаммадиев билан бошлади. Кўчада учрашиб қолган танишларнинг суҳбати анча чўзилиб кетди. Элшодбек Тошкентда нима ишлар қилгани-ю, қандай пул топганларини оғиз кўпиртириб гапириб берди. Унинг сўзларига маҳлиё бўлиб қолган Темур Элшод учун ҳеч бир ишнинг қийин жойи йўқ экан, қандай юмушга қўл урмасин албатта уддалайди. Мен бўлсам бир аппаратни сотолмай, жиғибийрон бўлиб юрибман, деб ўйлаб «ишбилармон» танишига ҳаваси келди. У ўйлаб ҳам ўтирмай, нархи 350 минг сўм бўлган «Кодак» русумли рақамли фотоаппаратини пуллаб бериши учун Элшодбекнинг қўлига тутқазди. Бирпасда Э. Ботиров фотоаппарат эгасига айланди.

У фотоаппаратни қўлга киритгач, каттароқ буюмларга кўз тика бошлади. Энди у Муборак туманига йўл олди. Қишлоқларга кириб, мотоцикл сотиб оламан, дея хонадонлардан сўраб-суриштириб юрди. Не бахтки, бу гал фирибгарнинг қармоғига Ҳ. Оқмаматов номли маҳаллада яшовчи Бобоёр Наврўзов илинди. Номаълум шахсни уйига олиб келган Бобоёр ака «Иж» русумли мотоциклини кўрсатди. Мотоциклни у ёқ, бу ёғини кўрган Э. Ботир 500 минг сўмга нархлади. Иккала томон келишганидан сўнг Б. Наврўзовнинг ўғли Донийёрга «Қани мотоциклни ҳовлидан олиб чиқ, бир миниб кўрай, кейин пулни оласан», деди. Донийёр бу устаси фаранг алдаётганини билмасдан мотоциклга ёнилғи қуйиб, кўчага олиб чиқди. Элшодбек мотоциклни миниб, изсиз йўқолди. Нима гаплигини англай олмаган ота-бола бошларини чангаллаб қолишаверди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Э. Ботиров Нишон туманида пайдо бўлди. Худди юқоридагидек ўзини мотоцикл сотиб олувчи харидор, деб таништириб содда одамларни излай бошлади. Қийналмасдан топди ҳам. Туманнинг У. Юсупов номли маҳалласида яшовчи Ҳасан Аҳмедовга ўзини Жасур деб таништирган ҳийлагар савдолашиб, «ИЖ планета – 5» русумли мотоциклни миниб бу ердан ҳам қочиб кетди.

Шу туманда айланиб юрган Элшодбек Гулистон маҳалласида яшовчи Бахтиёр Эргашевнинг ҳовлисида янги, нархи 900 минг сўмлик мотоцикл борлигини эшитди. Хонадон соҳиби уйда йўқлигидан фойдаланиб, турмуш ўртоғи Тўлғоной опанинг олдига бориб, «Бахтиёр ака билан мотоциклни савдолашиб келаяпман, шунинг учун уни текшириб, миниб кўришим керак. Пулини ҳам сизга бериб кетаверарканман», деб аёлни ҳам чув туширди.

Нишон туманидан қайтаётган Элшодбек Қарши шаҳрининг Хонобод маҳалласи томон йўл олди. У ерда Отчопар маҳалласида яшовчи Нодир Турдиевни алдаб, «Минск» русумли мотоциклини мен устаман, созлаб бераман, деб миниб қочиб кетди.

Фирибгар ишга киришган кундан икки ой ўтгач вилоят ИИБга Ғузор туманида истиқомат қилувчи А. Юлдошевдан ариза тушди. Унда ҳовлисидаги «Восход» русумли мотоциклини номаълум шахс ўғирлаб кетганлиги баён этилганди. Шундан сўнг очилмай қолган ўғирлик ва фирибгарлик жиноятларини фош этиш мақсадида вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ҳамда шаҳар-туман ИИБ ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилди. Ички ишлар ходимлари ушбу жиноятларни Элшод Ботиров содир этганлигини аниқлашди. Фирибгарга тегишли жазо белгиланди.

Тезкор-суриштирув ишларида вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, майор Ш. Қиёмов, тезкор вакил, катта лейтенант Р. Одиловлар фаол иштирок этишди.

**Ш. ЮЛДАШЕВ,**
**майор.**
**М. ҚЎЙЛИЕВА.**
*Қашқадарё вилояти.*

## ҚИДИРИЛМОҚДА

**Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган қуйидаги шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Карамаддин Атамуратович НАПЕСОВ.** 1982 йилда туғилган. Тўрткўл тумани Шароф Рашидов номли овул фуқаролар йиғинида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 3-қисми, 104-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

* * *



**Икром Якупбаевич ЖАББАРОВ.** 1969 йилда туғилган. Тўрткўл тумани «Уллибоғ» овул фуқаролар йиғинида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

* * *



**Қаҳрамон Батирович БАТИРОВ.** 1977 йилда туғилган. Тўрткўл тумани «Уллибоғ» овул фуқаролар йиғинида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

* * *



**Умарбай САРИЕВ.** 1976 йилда туғилган. Тўрткўл шаҳри Давлеткличев кўчаси, 37-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

**Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан 8(361) 532-21-60, 532-25-82 рақамли телефонлар орқали ёки яқин ўртадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

* * *



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 135-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган **Мансура Норқуловна НОРҚУЛОВА** Самарқанд вилояти ИИБ томонидан қидирилмоқда. У 1978 йилда туғилган. Пастдарғом тумани Темирхўжа қишлоғи Бобур маҳалласида яшаган.

**Белгилари:** бўйи 165 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи малларанг, қоши қалин, кўзлари қора.

**Юқорида исм-шарифи қайд этилган шахсни кўрган ёки қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан (8-366) 233-02-64 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирлик ЙҲХББ техника назорати бўлими бошлиғи, полковник

**Султонмурод МАТҚОБУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби бош бошқарма техника назорати бўлими бошлиғи, полковник

**Султонмурод МАТҚОБУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

---

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирлик ШТБИХ бўлинма бошлиғи, подполковник Игамберди Джуманиязовга отаси

**Атахан ДЖУМАНИЯЗОВнинг**

вафот этганлиги муносабати ҳамдардлик билдиради.

---

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вазирлик Тергов бошқармаси катта терговчиси, майор Бахитбай Луезовга онаси

**Мирзагул ДОШАНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати таъзия изҳор этади.

---

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЙҲХБ МИБ бошлиғи, майор Жамшид Иргашевга отаси

**ЖЎРА бобонинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

# АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

**Биз бугун дунё, жамият ва шахс шиддат билан ўзгараётган даврда яшамоқдамиз. Ана шундай бир шароитда, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада аҳоли, айниқса, ёшларимизда миллий манфаатларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.**

**Айниқса, сиёсий дунёқарашни шакллантирувчи фанлар доирасида аждодларимизнинг бу соҳадаги бой меросини ўргатиш асло фойдадан холи эмас.**

**Мовароуннаҳр ҳудудида яшаб ижод қилган алломалар орасида сиёсий мавзуда ҳам асарлар ёзиб қолдирганлари кўп. Биз қуйида айрим алломаларнинг сиёсий маданият ва бағрикенгликка доир қарашларига қисқача тўхталиб ўтамиз.**



Абу Наср Форобийнинг (873-950) **«Фозил одамлар шаҳри»** асарида бундай шаҳар раҳбари қуйидаги ўн икки хислатга эга бўлиши лозимлиги айтилади: мучаси соғ, фаросатли, хотираси мустаҳкам, зеҳни ўткир, фикрини равшан тушунтира оладиган, илм-маърифатга қизиқувчан, нафсини тийиб олган, бойликка ружу қўймаган, ҳақиқатни севувчи, ориятли, адолатпарвар, қатъиятли. Унинг фикрича, фозил шаҳар аҳли юксак фазилат ва маданият соҳиби бўлади. Зеро, дангасалик, бекорчилик, билимсизлик, касб-ҳунарсизлик инсонни таназзулга олиб боради. Ақл, илм-маърифат эса бахт-саодатга эришишнинг асосий воситасидир.

Фирдавсийнинг (934-1030) **«Шоҳнома»** асари нафақат Мовароуннаҳр ёки Шарқ, балки дунё адабиёти ва маданиятининг ҳам ноёб дурдонаси ҳисобланади. Бу асарнинг бош ғояси ватанни, халқ заковати ва фидойи шахсларни улуғлаш, одамларни бирдамликка, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварликка чақириш, эзгулик, олижаноблик, ҳалоллик, мардликни мадҳ этиш, ёвузлик, зулм, адолатсизлик ва парокандаликни қоралашдан иборат.

Низомулмулк (1018–1092) **«Сиёсатнома»** асарида сиёсат эгалари: подшоҳ, вазир, ҳоким ва бошқа амалдорларни адолатли, виждонли, инсофли бўлишга ҳамда давлатни оқилона бошқаришга, қатъий тартиб-қоида ўрнатишга, мамлакат ободлиги, фаровонлиги, тинч-тотувлиги йўлида мунтазам ҳаракатда бўлишга чақиради.

Миллий давлатчилигимиз ривожи тарихида **Амир Темур**нинг (1336–1405) ўрни беҳиёя катта. Соҳибқирон бобомиз битган тузуклар сиёсат бобида қимматли манбадир. Унинг давлат бошқарувига доир қарашлари ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмайди. У темурийзода ҳукмдорларга ва улар орқали барча соҳиби давлатларга мана бундай панду насиҳат қилади:«Вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлишлари лозим: насли тоза, оқил-фаросатли, сипоҳу раият ҳолидан хабардор, сабрли-тинчликсевар», «Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар»; «Агар лашкар бир турдан бўлса, хатарли бўлиб, тартибсизлик вужудга келади, қўшин ҳар хил қабиладан бўлиши зарур»; «Адолат инсон дастури ва раҳбари бўлиши лозим».

**Алишер Навоий** нафақат шоир, мутафаккир, балки давлат арбоби, сиёсатчи сифатида ҳам ном қозонган. Ҳусайн Бойқаро 1472 йилда бу зотни Хуросон салтанатининг бош вазири этиб тайинлайди. У янги лавозимда бор кучини тинчлик, осойишталикни мустаҳкамлашга, савдо-сотиқ, ҳунармандчиликни ривожлантиришга, амалдорлар ўртасидаги лоқайдлик, адолатсизлик пайини қирқишга, фуқаролар тенглиги, тотувлигини таъминлашга, илм-фан, таълим-тарбияни юксалтиришга қаратди. Ижтимоий-сиёсий фаолиятдан олган билим ва тажрибаларини «Маҳбуб ул-қулуб», «Ҳайрат ул-аброр», «Тарихи Мулки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби асарларида баён этди.

Шундай хулоса ясаш мумкинки, Мовароуннаҳр диёридан етишиб чиққан кўплаб алломалар илмий-маърифий меросида сиёсий маданият ва бағрикенгликка доир қарашлар, ўгит ва тавсиялар катта ўрин эгаллайди. Улар бугунги ёш авлодни ижтимоий-сиёсий фаол, фидойи, ватанпарвар, баркамол ва кенг тафаккур эгаси қилиб тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга.

**Нуриддин ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси.**



# КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО

*(Бухоро шаҳрида маданий марказ барпо этилиши ва шу номдаги монумент очилиши муносабати билан)*

*Истиқлолдан олиб оро,*
*Бўлмиш бағоят сержило,*
*Тароватли, кўркам, зебо –*
*Кўҳна ва боқий Бухоро.*

*Чирой очган кўчалари,*
*Ҳар маҳалла, ҳар гузари,*
*Масжиду мадрасалари,*
*Кўҳна ва боқий Бухоро.*

*Юртбошимиз —Бош меъмор,*
*Марказ тез кунда тайёр, –*
*Бўлди... Бирам жозибадор, –*
*«Кўҳна ва боқий Бухоро».*

*Марказнинг нақ ўртасида,*
*Мисли тошдаги қасида,*
*Қад ростлади зўр обида, –*
*«Кўҳна ва боқий Бухоро».*

*Харитамиз акс эттирган,*
*Ер шарини даст кўтарган,*
*Маъно-моҳияти теран, –*
*«Кўҳна ва боқий Бухоро».*

*Эзгу ишлардан далолат,*
*Алломалардан башорат,*
*Абадиятга ишорат, –*
*«Кўҳна ва боқий Бухоро».*

**Исомиддин ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



**Афғонистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари 2001 йилдаги НАТОнинг «Толибон»ларга қарши бошлаган ҳарбий операциялардан кейинги иккинчи сиёсий воқеадир. «Толибон»ларнинг муайян қаршиликларига қарамай ушбу сиёсий жараёнда мамлакатнинг бир неча миллион фуқароси иштирок этди. Кузатувчилар аввалги президентлик ва парламент сайловларида бўлгани каби бюллетенларни ҳисоблаб чиқишда қоидабузарликлар такрорланиши мумкин, деган хавотирда.**

### ТЎРТ МИНГ ЙИЛЛИК ТОПИЛМА

**Перу шимолида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида иккита маданий ёдгорликка дуч келинди, дея хабар тарқатди «Associated Press» ахборот агентлиги.**

**Мутахассисларнинг фикрича, тўрт минг йиллик тарихга эга мазкур топилмалар мамлакат ҳудудида аниқланган шу турдагилари ичида энг қадимийси бўлиши мумкин. Қазишмалар чоғида археологлар дастлаб ҳар бир бўлагининг вазни 200 килограммга тенг бўлган улкан тош деворга дуч келишган. Ушбу қадимий обидаларни ўрганиш учун мутахассислар жалб этилди.**

### ФУТБОЛ ҲАКАМИДА – ГЕРОИН

**Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номли аэропортда эквадорлик футбол ҳаками Байрон Морено 4,5 килограмм героин билан қўлга олинди. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар қилишича, ҳакам наркотик моддани бадани ва оёқларига зичлаб боғлаб олган экан.**

**Футбол мухлислари 2002 йилги Жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида у бошқарган ўйин шов-шувли можароларга сабаб бўлганини яхши эслашса керак. Италия ва Жанубий Корея ўртасидаги мазкур учрашувда ҳакам италияликлар киритган голни ҳисобга олмаган эди. Натижада италияликлар уни ғирромликда айблашганди. Ҳарқалай, ана шу учрашувдан кейин унинг номи машҳур бўлиб кетди. 2003 йил Эквадор футбол уюшмаси Моренони вақтинча ҳакамлик қилишдан четлаштирди. Бунга у сўнгги марта ўйинни бошқарганда мухлислардан келиб тушган шикоятлар сабаб бўлди. Кейинчалик Морено ҳакамликдан буткул четлаштирилди.**



### ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

**Кейинги кунларда Доғистондаги вазият яна кескинлашиб, бир нечта террорчилик ҳаракатлари қайд этилди. Мамлакат миқёсида террорчиларга қарши кескин кураш олиб борилаяпти. Жумладан, Қизилюрт туманидаги операциялар чоғида тўрт нафар жангари йўқ қилинди. Дастлабки маълумотларга кўра, улардан бири маҳаллий кўпорувчилар гуруҳига мансуб эканлиги маълум бўлди.**

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**ҚЎЙ.**
Ушбу ҳафтада шахсий муносабатларни мустаҳкамлаш асосий вазифангиз ҳисобланади. Мавжуд муаммоларни атрофлича муҳокама қилиб, холис, адолатли қарорлар қабул қилишингиз керак. Ўзгаларнинг шахсий муносабатларингизга дахлдор маслаҳатига қулоқ тутишингизга ҳожат йўқ. Яхшиси, соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилганингиз маъқул.

**СИГИР.**
Ишда муваффақиятга эришишингиз учун тартиб-интизомга қатъий риоя этишингиз, масъулиятни чуқур ҳис қилишингиз зарур. Шу кунларда ишда ижодий қобилиятингизни намоён этиш қийиндек туюлиши мумкин. Гап шундаки, ҳозир турли йўриқномаларга қатъий амал қилиб ишлашингиз учун қулай давр. Уйдаги майда-чуйда юмушларни ҳам қисқа муддат ичида осонгина бажариб қўясиз.

**ЭГИЗАКЛАР.**
Йил бўйи орттирган танишларингиз ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлишингиз мумкин. Ҳозир эса бўлажак умр йўлдошингизга орттирмай-бўрттирмай, холислик билан баҳо бера оласиз. Унинг фазилатларини ҳам, камчиликларини ҳам пайқайсиз. Шунинг учун ҳам мазкур ҳафта ичида ўрнатган алоқаларингиз гарчи ўта эҳтиросларга бой бўлмаса-да, мустаҳкам бўлади, узоқ давом этади.

**ҚИСҚИЧБАҚА.**
Ушбу ҳафта оилавий муаммоларингизни ҳам, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни ҳам ҳал этишингиз учун қулай палладир. Кўп сафарда бўлишни, узоқ давом этадиган саёҳатга чиқишни маслаҳат бермаймиз. Қисқа муддат ичида катта ҳажмдаги билимни эгаллайман деб ўзингизни уринтириб қўйманг. «Мусулмончилик аста-секин» деб бежиз айтишмаган. Ҳар қандай ишни ҳам пишиқ-пухта бажарганга нима етсин.

**АРСЛОН.**
Донолар: «Тилинг – душманинг» деб билиб айтишган. Агар келаётган ҳафтада бўлар-бўлмас гапларни гапираверсангиз, бу ҳикматнинг тўғрилигига ўзингиз ҳам иқрор бўласиз. Айниқса, беҳуда ваъдалар беришдан сақланинг. Акс ҳолда уларни бажаришингизга тўғри келади. Хуллас, бирор гапни гапиришдан аввал обдон ўйланг, ақл чиғириғидан ўтказинг. Молиявий масалалар билан ҳам шуғулланмай турганингиз маъқул. Инвестициялар киритиш, кредит олиш сиз кутган натижани бермайди.

**БОШОҚ.**
Ушбу ҳафтада хом хаёлларга берилмасангиз, сарф-харажатларингизни тўғри ҳисоблай оласиз, тежамкор бўласиз, яқин, ҳатто узоқ келажакка мўлжалланган шахсий бюджетингизни мустаҳкамлаб оласиз. Аммо шахсий муносабатларингизда баъзи бир мураккабликлар юзага келиши мумкин. Оила аъзоларингиз билан хушмуомала бўлинг. Шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилишдан сақланинг.

**ТАРОЗИ.**
Келаётган ҳафтада янада масъулиятли ва оғир-босиқ бўласиз. Ишчанлик хусусиятингиз кучаяди. Ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингизни, имкониятларингизни тўғри, холис баҳолайсиз. Фақат танқидий ёндашаман деб ўз қобилиятингизни паст баҳолаб юборманг. Ушбу бурж соҳибалари ташқи қиёфаларини янада гўзаллаштириш, ўзларига оро бериш билан шуғулланишлари учун қулай давр.

**ЧАЁН.**
. Келгуси ҳафтада ўзингизда мавжуд камчиликларни осонлик билан пайқаб, бартараф эта оласиз. Ўзингиз яхши билмаган янги ишларга қўл урмаганингиз маъқул. Вазиятни яхшилаб таҳлил қилсангиз, ҳозирча қайси режаларни ортга суриб туришингиз кераклиги аён бўлади. Дўстларингиз билан келишолмай қолишингиз мумкин. Бошқалар билан ҳамкорликдаги ижодий фаолиятингизни ҳам силлиқ, бир текисда кечади деб бўлмайди.

**ЁЙ.**
Ҳафта мобайнида дўстларингиз билан муносабатларингизни мустаҳкамлашингиз мумкин. Юзага келаётган вазият чин дўстингиз киму шунчаки улфатингиз кимлигини аниқлаб беради. Келажакка мўлжалланган режалар тузиб олиш имконига эга бўласиз. Ҳозир воқеалар ривожини, унга таъсир этувчи омилларни аниқ биласиз. Шунинг учун ҳам башоратларингиз тўғри чиқади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.**
Келаётган ҳафтада ўз мақсад ва вазифаларингизни аниқлаштириб оласиз. Ҳозир қайси мақсадларингиз муҳимроқ, уларга қачон эришишингиз мумкинлигини белгилаб олганингиз маъқул. Ана шундагина ўз олдингизга қўйган мақсадингизни қўлга киритасиз. Узоқ жойга сафарга, саёҳатга чиқиш тавсия этилмайди. Таълим олиш жараёнида ҳам муайян қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Аммо уларни ақл билан енгиб ўтасиз.

**ҚОВҒА.**
Ушбу ҳафтада билим олишга қизиқишингиз кучаяди. Мазкур жараён унча осон кечмайди. Аммо таҳлил қилиш қобилиятингиз кучаяди. Ҳозир эгаллаган билимингиз кейинчалик амалий фаолиятингизда асқотади. Эътиқодингиз мустаҳкамланади. Ҳаётингизда муҳим воқеалар юз беради. Фақат пухта ўйланмаган молиявий операцияларни амалга оширмаганингиз маъқул.

**БАЛИҚ.**
Юлдузларнинг жойлашуви ушбу ҳафтада молиявий масалаларни муваффақиятли ҳал эта олишингиздан дарак беряпти. Инвестиция масалаларида ҳам омадингиз чопади, озми-кўпми фойда кўрасиз. Ҳамкорларингизга ишончингиз ортади. Шахсий муносабатларингизда таъна қилиб, бировларни бекорга ранжитиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

## Китоб жавонингизга

# ХОРИЖ ДЕТЕКТИВИ ЎЗБЕК ТИЛИДА




**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти бўлим мудири Бобомурод Тошев таржимасида «DAVR PRESS» нашриётида чоп этилган «Миср эҳроми сири» деб номланган детектив ҳикоялар тўплами ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган эди. Яқинда моҳир таржимонимизнинг саъй-ҳаракатлари натижасида европалик машҳур ёзувчилар Гэри Бранднер, Маргарет Меннерс, Антони Винн, Дональд Хениг, Флара Флетчер, Александр Ольбик, Борден Диилларнинг детектив жонрида ёзган ҳикоялари киритилган иккинчи тўплам ҳам икки минг нусхада чоп этилди.**

**Ушбу ҳикояларни мутолаа қилар экансиз, инсон бир-бирига номутаносиб бўлган қарама-қаршиликлар – яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ҳамда ёвузлик қуршовида яшашига яна бир бор амин бўламиз. Улардан қай бирининг устун келиши инсоннинг ўзига боғлиқ. Одам боласи яхшиликка мойил бўлса, эзгулик сари маънан юксалиб бораверади. Агар бировларга заҳмат етказиш ҳисобига бойлик орттирса, обрў қозонса, бундай одам разиллик ботқоғига ботиб кетаверади. Кишининг ҳаёти қандай кечмасин, холис ҳакам ўз ҳукмини «ўқийди», яхшиларни мукофотлайди, ёмонларни эса жазолайди.**

**Бундай умуминсоний ғоялар тўпламдан ўрин олган ҳикояларнинг асосини ташкил қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳикояларни ўқир экансиз, иқтидорли ижодкор Б. Тошевнинг таржима борасидаги моҳоратини эътироф эта борасиз. Ўйлаймизки, «Аср арафасидаги қотиллик» тўплами кенг китобхонларга манзур бўлади.**

## ДИҚҚАТ!

**Ҳурматли юртдошлар!**
**Агар Сизга ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига доир ҳолатлар, бирор жиноят ёки ички ишлар идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари маълум бўлса, қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали хабар қилишингизни сўраймиз.**

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-371) 233-22-33<br>(8-371) 233-39-39 |
| Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги | (8-361) 222-56-76 |
| Тошкент шаҳар ИИББ | (8-371) 232-03-30 |
| Андижон вилояти ИИБ | (8-374) 224-87-50 |
| Бухоро вилояти ИИБ | (8-365) 224-64-86 |
| Жиззах вилояти ИИБ | (8-372) 226-03-02 |
| Навоий вилояти ИИБ | (8-436) 223-06-71 |
| Наманган вилояти ИИБ | (8-369) 226-60-55 |
| Самарқанд вилояти ИИБ | (8-366) 233-00-00 |
| Сирдарё вилояти ИИБ | (8-367) 225-33-30 |
| Сурхондарё вилояти ИИБ | (8-376) 227-25-51 |
| Тошкент вилояти ИИБ | (8-371) 264-18-32 |
| Фарғона вилояти ИИБ | (8-373) 224-29-08 |
| Хоразм вилояти ИИБ | (8-362) 224-32-16 |
| Қашқадарё вилояти ИИБ | (8-375) 221-82-45 |
| Транспорт ИИБ | (8-371) 252-61-39 |
| ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси | (8-371) 236-23-70 |

ISSN 2010-5355
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI
MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**
Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-162. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63665 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**